

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МИГРАЦИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ



А.Ф.Суропов

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада инсон ҳуқуқлари ва миграция тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги, мигрантларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимояланиш кафолатлари ҳамда мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий ва халқаро механизмлар таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: миграция, инсон ҳуқуқлари, мигрант, миграцион жараён, фуқаролиги бўлмаган шахслар, ноқонуний мигрант, чет эликлар, мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар.

Замонавий глобаллашаётган дунёда миграция жараёнларини тартибга солиш барча мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида энг долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Аҳоли миграциясининг жадал ривожланиши дунёнинг кўплаб мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, демографик ва маданий ривожланишига, шунингдек иммиграция ва меҳнат ресурсларини тақсимлаш жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Латинча “migration” сўзи **ҳаракат** деган маънони англатади. Ушбу атама қонуний ва ноқонуний мигрантлар, меҳнат мигрантлари, шунингдек, мақоми ёки ҳаракатланиш воситалари халқаро ҳуқуқда аниқ белгиланмаган шахсларни ифодалайди.

Халқаро миқёсда “мигрант” атамасининг умумий қабул қилинган таърифи мавжуд эмас. Шу ўринда, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан “мигрант” – бу халқаро ҳуқуқда мамлакат ичида ёки халқаро чегара орқали ҳаракат қилувчи, вақтинча ёки доимий равишда ва турли сабабларга кўра яшаш жойини тарк этган шахс деб таснифланади.

Халқаро миграция ташкилотнинг маълумотномасига кўра, миграция “аҳолининг халқаро чегара орқали ёки мамлакат ичида давомийлиги, таркиби ва сабабларидан қатъи назар ҳаракатланиш жараёни”¹ деб номланади.

Миграциянинг биринчи илмий таърифи инглиз географи Е. Равенштейн томонидан берилган бўлиб, унга кўра, миграция – “инсон яшаш жойини вақтинча ёки доимий ўзгартириши” деб таснифланган².

П.Р.Стокер миграциясини аҳолининг ҳаракатчанлиги, унинг келгусида тармоқ, ҳудудий, касбий ва ижтимоий муносабатда мамлакат ичидаги ҳаракати сифатида таснифлайди³.

Миграция соҳасида алоҳида тадқиқотлар олиб бораётган ўзбек ҳуқуқшунос олимлари, хусусан, Л.Х.Исоқов жисмоний шахснинг бир давлатдан бошқасига, шунингдек ўз давлати ҳудудида доимий ёки вақтинчалик, ихтиёрий ёки мажбурий кўчишини⁴ миграция деб таърифласа, Б.И.Эгамбердиев эса миграцияни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий яшаш жойини турли сабабларга

¹ Справочник по терминологии в области миграции (русско-английский). Москва, 2011. С. 66.

² Ravenstein E.G. The Laws of Migration, Journal of the Statistical Society of London, Vol. 48, No. 2 (June, 1885). P. 167-235.

³ Стокер П. Работа иностранцев: Обзор международной миграции рабочей силы; – М.: Academia, 1995. – С.78.

⁴ Исоқов Л.Х. Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент, 2020. – Б. 139.

кўра мамлакат ҳудуди ёки унинг ташқарисига доимий ёки вақтинчалик ўзгартириши¹ деб ҳисоблайди.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, таъкидлаш лозимки, мигрантлар узок вақтдан бери асосий мамлакатлар иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб келган ва миграция белгиланган мамлакатларда ишчи кучи танқислигини камайтиришга ёрдам бериб келмоқда.

Миграцияни тартибга солиш XX асрнинг бошларида қабул қилувчи мамлакатларда мигрантларнинг ҳуқуқларини тобора кўпроқ тан олиш билан бир қаторда вужудга келганлигидандир. Миграцияни тартибга солиш ва мигрантлар инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш замонавий халқаро ҳуқуқнинг ҳамда миллий ҳуқуқнинг асосий белгиловчи хусусиятига айланиб келмоқда.

Хусусан, инсон ҳуқуқлари – бу барча одамларга истисносиз тегишли бўлган ҳуқуқлардир. Таъкидлаш ўринлики, 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси “барча одамлар ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг туғилади” деб эълон қилди².

Замонавий инсон ҳуқуқлари ҳаракатининг асосий мақсади фуқаролар ва чет элликлар учун бир хил ҳимоя усулини тақдим этиш ва бу бўйича тегишли ишларни амалга оширишдир. Мигрантлар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари қонунчилигининг меъёрий кенгайтиши таъсири сифатида вужудга келганлигини таъкидлаш жоиздир.

Барча шахслар, шу жумладан фуқаролиги бўлмаган шахслар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва тегишли стандартларларга мувофиқ бир хил ҳуқуқга эгадир ва ушбу ҳуқуқларнинг бажарилишини таъминлаш муҳимдир. Ваҳоланки, ҳар қандай шахс каби мигрант ҳам муайян ҳуқуқлар, имтиёз ва кафолатларга эга.

Шунингдек, ҳуқуқшунос Л.Х.Исоков фикрига кўра, одатда, халқаро стандартларга мувофиқ, инсон ҳуқуқлари, жумладан, яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқ, камситишлар ва зўравонликлардан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқ ҳамда бошқа ажралмас ҳуқуқлар барча мигрантлар учун ҳам кафолатланади³. Бинобарин, ушбу ҳуқуқлар, мигрант бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъий назар ҳар қандай шахсга тегишлидир.

Мазкур фикрга қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари барча шахслар каби мигрантлар учун ҳам кафолатланиши лозим ва шу каби инсон ҳуқуқларини амалга оширишни чекламаслик мақсадида ҳар бир давлат ўзининг миллий қонунчилик тизимида мигрантларга уларнинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланишини лозим даражада таъминлаб бериши зарур.

Миллий ва халқаро ҳуқуқ билан кафолатланган инсон ҳуқуқлари қийин аҳволга тушиб қолган мигрантларни ҳимоя қилишда муҳим марказлашган аҳамиятга эга. Глобал миграция муаммоси бўйича ташкил этилган гуруҳнинг таъкидлашича, миграция мақомидан қатъи назар, барча шахсларнинг асосий ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ёки ушлаб туришдан озод бўлиш ҳуқуқи ҳамда бошпана излаш ҳуқуқи;

жинси, ирқи, миллати, тили, дини, этники ва ижтимоий келиб чиқишини камситилишдан озод этилиш ҳуқуқи;

зўравонлик ва эксплуатациядан ҳимоя қилиш, қуллик ва мажбурий меҳнатдан озод бўлиш, қийноқ ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муносабатдан озод бўлиш ҳуқуқи;

адолатли суд муҳокамаси ва ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи;

иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи, шу жумладан соғлиқни сақлаш, қоникарли турмуш даражаси, ижтимоий таъминот, нормал яшаш

¹ Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси, 2021. – Б. 19.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Тошкент: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – Б.16.

³ Исоков Л.Х. Мигрантлар ҳуқуқлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Монография / Сўзбоши муаллиф ва маъсул муҳаррир академик А.Х.Саидов. – Тошкент: “EFFECT-D”, 2022. – 432 б.

шароитлари, таълим олиш, шунингдек, адолатли ва қулай меҳнат шароитларида ишлаш ҳукуки;

давлат иштирок этувчи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар томонидан кафолатланган бошқа инсон ҳуқуқлари ва халқаро одатий ҳуқуқ¹.

Ушбу назарда тутилган ҳуқуқлар ҳар кимга истисносиз тегишли бўлган ҳуқуқлардир. Ҳеч ким миллий миграция қоидаларини бузган ҳолда мамлакат ҳудудига киргани ёки унинг ҳудудида қолгани учун инсон ҳуқуқларидан маҳрум бўлиши мумкин эмас; шу ўринда ҳеч ким чет эл фуқароси, бола, аёл бўлганлиги ёки маҳаллий тилда гапирмаганлиги учун юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлардан маҳрум бўлиши таъқиқланади. Ушбу тамойил, хусусан, инсон ҳуқуқларининг универсаллик тамойили мигрантлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли, миллий қонунчилик тизими мигрантларга одил судлов ва қоидабузарликка қарши ҳимоя воситаларидан фойдаланишга имконият яратиш муҳимдир. Мигрантларни инсон ҳуқуқлари бузилишидан ҳуқуқий ҳимоя билан таъминланиши учун барча ҳуқуқий стандартлар ва механизмларни самарали ишлашини таъминлаш лозим.

Академик А.Х.Саидовнинг таъбири билан айтганда, инсон ҳуқуқлари, бу инсоннинг ҳуқуқий лаёқати ва ҳуқуқ субъектларининг эътироф этилиши² бўлганлиги боис, фуқаро ҳуқуқлари мамлакатларда маълум давлат томонидан инсонга қонунан мустаҳкамланган ҳолда расман бериладиган ҳуқуқлар саналади.

Дарҳақиқат, мигрантларнинг муайян ҳуқуқларини самарали тан олиш алоҳида эътибор талаб қилади. Ушбу ва бошқа ҳуқуқлар халқаро ҳуқуқда инсоннинг асосий ҳуқуқлари сифатида мустаҳкамланган бўлса-да, уларни миллий қонунчилик ва сиёсатга киритиш баъзан амалдаги қонунчилик, мавжуд сиёсат ва амалиёт билан чекланмоқда, ваҳоланки кўп ҳолатларда қисқа муддатли сиёсий мақсадлар таъсири остида қолмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мигрант ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, қуйидаги тўрт асосий гуруҳдаги ҳуқуқ ва эркинликларни ўз ичига қамраб олади: биринчидан, ҳаракатланиш эркинлиги ва яшаш жойини танлаш ҳукуки;

иккинчидан, қабул қилувчи мамлакатдаги ижтимоий ҳуқуқлар;

учинчидан, ҳимояланиш ҳуқуқи ва одил судловга бўлган ҳуқуқ;

тўртинчидан, мулкӣй ва шахсий-номулкӣй ҳуқуқлар³.

Ваҳоланки, ҳуқуқшунос Л.Х.Исоқовнинг фикрига кўра, юқоридаги ушбу тасниф мигрантлар ҳуқуқларини тўлиқ қамраб олмаган ва ушбу таснифлашга инсон ҳуқуқларининг асосий пойдеворларидан бири бўлган экологик ва маданий ҳуқуқларни қўшмасликнинг иложи йўқ деб баҳолаган⁴.

Ҳуқуқшуносни фикрига қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаш ўринлики, мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари таснифи фуқароларга тақдим этиладиган барча ҳуқуқларни ўз ичига қамраб олиши даркор ва ушбу таснифга инсон ҳуқуқларининг асосий бўғинлари ва аҳамиятга эга гуруҳларини, шу жумладан экологик ва маданий ҳуқуқларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда, ҳуқуқшунос Л.Х.Исоқов ҳуқуқ назариясининг асосий таълимотларидан келиб чиқиб, мигрантлар ҳуқуқларини икки асосий гуруҳга бўлиш таклифини илгари сурган. Хусусан, биринчи гуруҳ, яъни мигрантларнинг умумий ҳуқуқлари бўлиб, бунга шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар ва экологик қиради.

Иккинчи гуруҳ, яъни мигрантларнинг махсус ҳуқуқлари деб номланиб, бунга ўзининг давлатини тарқ этиш, давлатига кириш ва у ерда бўлиш, эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини

¹ Группа по проблемам глобальной миграции (ГГМ). Заявление по вопросу о правах человека мигрантов, находящихся на нерегулярном положении. 30 сентября 2010 г., <http://www.globalmigrationgroup.org/sites/default/files/uploads/news/GMG%20Joint%20>

² Саидов А.Х. Общая теория права человека. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2021. – С.21.

³ Решетин В.М. Обеспечение и защита прав человека в области миграции: государственно-правовой аспект: Дис. – канд.юрид.наук. – М.:РГБ, 2005. – С.111.

⁴ Исоков Л.Х. Мигрантлар ҳуқуқлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Монография / Сўзбоши муаллиф ва маъсул муҳаррир академик А.Х.Саидов. – Тошкент: "BFFECT-D", 2022. – 432 б.

танлаш, қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, фуқароликка эга бўлиш, таржимон ёрдамида бепул фойдаланиш ҳуқуқи ва шу каби махсус ҳуқуқлар киради.

Ушбу таснифга қўшилган ҳолда ҳамда ҳуқуқ назариясининг асосий таълимотларидан келиб чиқиб, мигрантлар ҳуқуқларини **уч асосий гуруҳга** бўлишни таклиф қиламиз. Хусусан, мигрантларнинг **умумий, махсус ва алоҳида (отдельные)** ҳуқуқлари деб таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Ваҳоланки, **алоҳида ҳуқуқлар** фақатгина мигрантларга тегишли бўлиб, бунга бошпана олиш ҳуқуқи, қочоқ макomini олиш ҳуқуқи, мигрантнинг ҳуқуқий субъект эканлиги тан олиниши ҳуқуқи, консуллик ёки дипломатик идоралардан химоя ва ёрдам олиш ҳуқуқлари киради.

Шу билан бирга, ҳозирда халқаро-ҳуқуқий шартномаларда **“мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари”** тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Амалдаги халқаро-ҳуқуқий шартномаларда “мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари” тушунчасининг аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги халқаро қонун ижодкорлигидаги бўшлиқлардан бирини кўрсатмоқда. Ушбу бўшлиқни ҳисобга олган ҳолда, миграция соҳасидаги умум эътироф этилган халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик ҳужжатларида “мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари” тушунчасига таъриф бериб кетиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари ва миграция тушунчаси ўзаро узвий боғлиқлиги, шунингдек, мигрант ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, ушбу ажралмас ҳуқуқлар барча шахслар каби мигрантлар учун ҳам етарли даражада қафолатланиш ва химояланиши даркор.

Адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Тошкент: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – Б.16.
2. Саидов А.Х. Общая теория права человека. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2021. – С.21.
3. Исоков Л.Х. Мигрантлар ҳуқуқлари: киёсий-ҳуқуқий таҳлил. Монография / Сўзбоши муаллиф ва маъсул муҳаррир академик А.Х.Саидов. – Тошкент: “EFFECT-D”, 2022. – 432 б.
4. Ravenstein E.G. The Laws of Migration, Journal of the Statistical Society of London, Vol. 48, No. 2 (June, 1885). P. 167-235.
5. Стокер П. Работа иностранцев: Обзор международной миграции рабочей силы; – М.: Academia, 1995. – С.78.
6. Решетин В.М. Обеспечение и заўита прав человека в области миграции: государственнo-правовой аспект: Дис.– канд.юр.наук. – М.:РГБ, 2005. – С.111.
7. Исоков Л.Х. Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент. 2020. – Б. 139.
8. Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси, 2021. – Б. 19.
9. Группа по проблемам глобальной миграции (ГГМ). Заявление по вопросу о правах человека мигрантов, находящихся на нерегулярном положении. 30 сентября 2010 г., <http://www.globalmigrationgroup.org/sites/default/files/uploads/news/GMG%20Joint%20>